

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 13 май, № 92 (6022) Сешанба


# САНОАТИМИЗ РАВНАҚИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ





*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган “ўзбек модели” асосида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий корхоналарни ишга тушириш жараёни эса жадал давом эттирилаяпти. Бунда хориж сармоядорларига қулай инвестиция муҳити яратиб берилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.*

## ТАҚДИМОТ

Пировардида мамлакатимиз иқтисодиёти кундан-кунга ривожланиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётир. Жумладан, кейинги йилларда Хоразм вилояти иқтисодиётида ҳам кескин ўсиш суръатлари таъминланишида Президентимизнинг “2013 — 2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки мазкур қарорда шу давр ичида 253 та янги лойиҳа бўйича 462 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиш ва 8870 та иш ўрни ташкил этишдек кўплаб вазифалар белгиланганки, уларнинг ижроси бугун ўз самарасини бермоқда. Шу кунгача 157 та лойиҳа амалга оширилиб, бунинг учун 77,7 миллион доллар миқдорида инвестициялар жалб этилгани, 3,5 минг нафардан зиёд кишининг бандлиги таъминлангани бунга яққол мисол бўла олади.



Куни кеча Урганч шаҳрида ана шундай йирик лойиҳалардан бири — “Урганч экскаватор” ОАЖ ҳудудида гидравлик экскаваторлар ва қурилишда фойдаланиладиган бошқа ускуналар ишлаб чиқариш, улар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳамда таъмирлашга ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “UzXCMG” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг ишга туширилиши хоразмликлар учун яна бир туҳфа бўлди. Ушбу лойиҳа доирасида 15 миллион долларлик инвестиция маблағлари ўзлаштирилиши белгиланган бўлса, ҳозиргача 17,56 миллиард сўмлик иш бажарилди. Ўта замонавий ишлаб чиқариш корхонаси “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси ва Хитойнинг “Xuzhou Construction Machinery Group” корпорацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидлаш кераки, ҳозирги вақтга қадар “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК таркибида 7 та йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатаётган эди. Эндиликда улар сафига “UzXCMG” қўшма корхонаси ҳам қўшилди.

(Давоми 2-бетда).




*15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Ж. Хопкинс университети (АҚШ) ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, профессор Фредерик Старр “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.*

**Фредерик Старр:**

# «Ўзбек халқи бой интеллектуал салоҳиятга эга»

— Бугун Ўзбекистоннинг шонли тарихи жонланмоқда. Айниқса, VIII асрдан XIV асргача бўлган давр алоҳида эътиборга лойиқдир. Чунки ушбу давр мобайнида замонавий Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудуди ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, ал-Хўжандий, ал-Фарғоний сингари машҳур тарихий алломалар фаолияти туфайли, ҳеч бир муболағасиз, бутун Евроосиё континентал ҳудуди тамаддунининг маркази бўлган.

Илмий аҳамияти бўйича ушбу минтақа Ҳиндистон, Хитой, Европа ёки Яқин Шарқдан қолишмайди. Ушбу заминда истиқомат қилган қомусий олимлар амалда жаҳон тафаккурининг даҳолари бўлганлар. Уларнинг илмий ишлари ўтмиш ва замонавийлик ўртасидаги илмий ютуқларни боғлади.

Бу зотларнинг ақл-заковати туфайли уйғониш араб дунёсида эмас, балки айнан Марказий Осиёда, Ўзбекистон ҳудудида юз берган. Шундай шахсларнинг орасида энг улуғларидан бири Қиёт шаҳрида дунёга келган Абу Райҳон Берунийдир. У ўз тадқиқотлари орқали ҳали 1025 йилда — Шимолий ва Жанубий Американинг очилишидан анча олдин ушбу минтақаларнинг мавжудлигини фараз қилган эди.

Ана шундай олимлар, тадқиқотчи, диншунос ва файласуфларнинг улкан ютуқлари туфайли бутун дунё алалоқибатда Марказий Осиёнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини англаб етади.

Ўзбекистонда ажойиб олимлар, мен чуқур ҳурмат қиладиган инсонлар яшайди, улар орасида, энг аввало, Ўзбекистон раҳбарига нисбатан алоҳида эҳтиромим бор. Улар Ўзбекистон ва умуман, минтақа тарихидаги Олтин асрни илмий ўрганиш анъанасини давом эттирмоқдалар.

Йигирма йилдан ортиқ мустақил тараққиёт даврида улар олиб борган фаолият туфайли совет даврида унутилган меросни ҳаётга қайтариш имкони яратилди. Яқинлашиб келаётган конференция ниҳоятда қизиқарли бўлади, деб ўйлайман. Чунки инсонлар ўз ўтмишини, ушбу заминда яшаб ўтганлар амалга оширган буюк ишларни билишлари керак.

Ўзбекистон тарихни ва ўша даврнинг маданий ютуқларини тадқиқ этиш учун бой интеллектуал салоҳиятга эгадир. Бу нафақат маърифий ҳаётда, балки ўзбек халқи ҳамда бутун Марказий Осиё минтақаси аҳолиси миллий ўзлигини англашининг чуқурлашувида улкан аҳамият касб этади. Ўз навбатида, янги минтақавий ўзига хослик учун асос бўлиши муқаррар.

Самарқанд анжумани — илм-фан соҳаларида ижод қилган кўплаб истеъдодли мутафаккирлар улуғ муваффақиятларининг тантанасидир. У минтақанинг ўзига оҳанрабодай тортиб турадиган илмий марказга айланиши йўлидаги дастлабки қадам бўлади.

Фалсафа ва диншунослик доирасидан ташқаридаги бошқа муваффақият ва кашфиётлар ҳам мавжуд. Марказий Осиё тигел пўлати, Самарқандда қайта кашф қилинган пахтадан қоғоз, шамол тегирмони ва бошқа технологиявий кашфиётларнинг ватани бўлган. Буларнинг барчаси ана шундай ютуқларга бағишланган янги конференциянинг мавзусига айланиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, минтақани Ҳиндистон, Хитой, Европа ва Яқин Шарқни ортда қолдирадиган тараққиёт жараёнининг етакчиси, деб ҳисобласа бўлади. Марказий Осиё ва айниқса, Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти минг йиллар мобайнида бутун Евроосиё ҳудудини ҳаракатлантириб келган.

Ўзбекистонга сафаримни интиқлик билан кутаяпман. Мазкур конференция кўпгина ўзбек олимлари, ўзим чуқур ҳурмат қиладиган инсонлар билан учрашиш имконини беради. Мен улардан кўп нарсаларни ўрганганман. Ҳозирча яна айрим касбдошларим билан танишганим йўқ, уларнинг кўпчилигини фақат китоблари орқали биламан. Шу боис улар билан учрашиш мен учун жуда қизиқарли бўлади. Марказий Осиёнинг Олтин асри тарихини бутун дунёга маълум қилиш борасидаги фаолияти учун ҳамкасбларимга миннатдорлик билдириш ва уларни ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини давом эттиришга даъват қилиш ниятидаман.

**«Жаҳон» АА.**

## ДИЛ СЎЗИ

*Кўпни кўрган халқмиз. Бошимиздан не-не синову машаққатлар ўтмаган. Ота-боболаримиз “Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ”, деб яшашган. Шукронаю қаноатни бошга тож қилишган. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ўзлигини йўқотмаган, иродаси синмаган, ҳалоллик, поклик ва меҳр-оқибатни азиз билган. Шу боис тинчликнинг қадрини яхши англаймиз. Осойишталикни энг улуғ неъмат, деб биламиз.*

# Осойишталик ва фаровонлик саодати

Тўғри-да, остонаси олдида ўқ овози эшитилиб турган одамнинг юриш-туришида ҳаловат бўладими? Ахир бугун ҳамма ёқда ҳам бирдек осудалик эмас. Ер юзининг ҳали у, ҳали бу ерида бегуноҳ одамлар қони тўкилмоқда. Яна аллақайси жойларда кимлардир бир бурда нон, бир қултум сувга зор.

Энди холисона айтинг, юртимиздаги тўқлик ва фаровонликка, кўз ўнгимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришларга қараб, шукр қилмай бўладими? Қолаверса, тинчлик учун нафақат шукр қилиш, балки уни асраб-авайлаш керак. Фарзандларимиз камоли, бахт-саодати учун курашиб, фидойилик қилиб яшашимиз ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш куни байрами муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонида ташкил этилган маросимда билдирган фикр-мулоҳазаларини ойнаи жаҳон орқали тинглаб, кўнглимдан ана шу ўйлар ўтди. Суронли уруш йилларини эслаб, кўзимга ёш келди. Айни пайтда халқимизнинг фидойилиги, танти ва бағрикенглигига яна бир бор тан бердим, фахрландим. Юртдошларимиз ўша даврларнинг даҳшату қийинчиликларига, очарчилик, йўқчилик азобларига мардонавор елка тутганини, ота-онасидан айрилган минг-минглаб етимларга бошпана бериб, керак бўлса, охирги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрганини ким билмайди, дейсиз?!

(Давоми 2-бетда).

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Мажлисда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ, жорий йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ташкил этади ва ўтказади.

Мажлисда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури кўриб чиқилди.

Мажлис иштирокчиларининг фикрича, 2009 йилдаги сайловлардан кейин мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада либераллаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар бўлажак сайловларни энг демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ тарзда ўтказишнинг муҳим омилига айланади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини татбиқ этиш бунга кўп жиҳатдан имкон берди.

Концепция доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашувига, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг очиқлиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов мобайнида шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Концепция қоидаларини ривожлантирган ҳолда, 2014 йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”-ги Қонун ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлмиш партиялараро рақобатни кучайтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Шу йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда тайёр тикув-тўқимачилик маҳсулотларининг**

**14** **та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.**

Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ва турини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши туфайли тармоқда ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юқорида зикр этилган Қонунга мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни давлат ҳокимиятининг бошқа қайсидир органлари аралашувисиз таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди, унинг фаолият кўрсатиш механизми, фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган асосий принциплари белгиланди. Буларнинг барчаси сайловларнинг демократлилигини, очиқлиги ва ошкоралигини, қонунийлигини ҳар томонлама таъминлашнинг энг муҳим кафолатига айланди.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, дастурда сайлов кампаниясининг барча босқичларида шаффофлик, ошкоралик, очиқликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ташкил қилиш ишларини қонунчиликка мувофиқ тарзда амалга ошириш назарда тутилган.

Дастур сайлов қонунчилиги қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш бўйича ахборот-таҳлил ишларини самарали ташкил этиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, миллий сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича халқаро, республика ва минтақавий тадбирлар ўтказишни назарда тутади.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ана шу дастурларда ўз ифодасини топган позицияларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилади.

Мажлис иштирокчилари тадбирлар дастури сиёсий партияларнинг давлат органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши ва эркин рақобатлашиши, фуқароларнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлашини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисда муҳокама натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига таалluқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

# САНОАТИМИЗ РАВНАҚИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ўринда маълумот учун айтиш жоизки, Хитойнинг "Xuzhou Construction Machinery Group" корпорацияси 100 турдан ортиқ қурилиш, мелиорация ва тоғ техникалари ишлаб чиқарувчи дунёдаги йирик субъектлардан бири ҳисобланади. Корпорация АҚШ, Германия ва Япониянинг "Катерпилер", "Либхерр", "Тиссен Групп" ва "Кавасаки" каби йирик компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатган.

6 гектардан зиёд майдонни эгаллаган янги корхона цехларида маҳсулот ишлаб чиқариш босқичма-босқич амалга оширилади. Биринчи босқичда алоҳида йирик механизмлар йиғилса, кейинги босқичларда экскаватор ишлаб чиқаришни тўлиқ ўзлаштириш кўзда тутилган. Яқин келажакда эса турли русумдаги экскаваторлардан ташқари, қурилиш техникалари ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳам мўлжалланмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариладиган тўла айланувчи занжирли ва ғилдиракли гидравлик экскаваторлар ковшининг ҳажми 0,5 куб метрдан 1,8 куб метргача тупроқни қазиб олиш имконига эга. Мазкур техника 9,6 метрдан 10,4 метргача ҳамда 6,6 метрдан 6,9 метргача чуқурликда, шунингдек, 9,9 метрдан 10,7 метргача бўлган радиусда қазиш ишларини олиб бора олади. 140 — 160 от кучига эга двигатели 5 йилгача муддатда таъмирланмасдан ишлайди.

Ҳозирги кунда заводнинг дастлабки 10 та гидравлик экскаватори тайёр. Жорий йилнинг охирига қадар яна 200 та ана шундай техника ишлаб чиқарилади.

Дарҳақиқат, бу корхона воҳа саноати ривожида янги қадам бўлди. Қолаверса, мана шундай мураккаб ишлаб чиқариш





**Мазкур заводда жорий йилнинг охирига қадар яна**

**200 та гидравлик экскаватор ишлаб чиқарилиши режалаштирилаяпти.**

объектида 250 нафар маҳаллий мутахассис меҳнат қилаётгани барчага қувонч бағишлайди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, уларнинг сони 1000 нафардан ортади.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида хоразмликлар ҳаёти қувончли воқеаларга бой бўлмоқда. Вилоятда келгусида тўқимачилик, машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, электр жиҳозлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғида яна кўплаб йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Шу боис бугун Хоразм элининг руҳи баланд, эртанги кунга ишончи мустаҳкам. Воҳада юз бераётган ўзгаришу янгиланишлар эса уларга янада шижоат ва ғурур бағишлаяпти.

Мамлакатимиз иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшувчи янги қўшма корхонанинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров, Хоразм вилояти ҳокими П. Бобожонов сўзга чиқди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Осойишталик ва фаровонлик саодати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эл-юртимизнинг маънавий қудрати, одамийлик фазилатлари, меҳр-оқибати, мардлиги ва олижанoблиги ана шундай унутилмас воқеаларда, тарихий мисолларда яққол намоён бўлади, деб жуда тўғри айтдилар давлатимиз раҳбари. Ўша кезлар бизнинг шу кафтдек Яллама қишлоғимиздан ҳам ўнлаб норғул йигитлар бирин-кетин урушга отланишди. Юртга омон-эсон қайтиш кўпчиликка насиб қилмади. Йўлдошали, Мирзараим, Тешабой каби жанг майдонига кирган ҳамқишлоқларим, минг шукр, бугун орамизда соғ-омон юришибди. Ҳаммалари халқимиз, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром, меҳр ва ғамхўрликдан мамнун.

Ўзим-чи, ўзим. Ҳеч қачон юзга кирсам керак, деб ўйламаганман. Не бахтки, шу табаррук ёшнинг остонасида турибман. Ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини баравар тотган умр йўлдошим, эл корига камарбаста бўлиб турган етти фарзандим бор. Айбга буюрманг-у, рости, невара, эвара, чевараларимизнинг саноғини билмайман. Минг шукр, ҳар кунимиз бир байрамдек. Бириникида уй тўйи, бири бешик берган, яна бирининг қудаси қиз чиқарган. Хуллас, тўйлар тўйларга уланаяпти. Очиғи, бундай кунларни кўриб, қани умр берса-ю, яна юз йил яшасанг, дейсан!

Фарзанду зурриётларимиз, бизни табаррук санаб, кунда-кунора кўргани келган қишлоғимиз одамлари ҳамиша "Қани, бир дуо қилинг", дейишади. Шунда "Бундай ҳаётнинг қадрига етинг, шукроналик билан яшанглар", деймиз. Эзгу ишларнинг бошида турган Президентимизга кўпдан-кўп раҳматлар айтамиз.

**Абдулатиф ПАЙШАНОВ,**
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.**
Чиноз тумани

# Коллеж битирувчиларига тикув машиналари топширилди

*Юртимизда коллеж битирувчиларига молия муассасалари кўмагида сармоя ва зарурий дастгоҳ ҳамда ускуналар ажратилиши бўлажак мутахассисларнинг бизнесни бошлашларида қўл келаётир.*

БАНДЛИК

Хатирчи туманидаги тиббиёт коллежининг 200 нафар битирувчиси ҳам ана шундай имкониятга эга бўлди. Яъни тижорат банки томонидан ажратилган 130 миллион сўм эвазига уларга Хитой давлатида ишлаб чиқарилган "Janome" русумли илғор тикув машиналари топширилди.

— Либослар дизайнини яратишга қизиқаман, — дейди Зуҳра Тўрақулова. — Чеварлик борасида ҳам маълум кўникмаларим бор. Қолаверса, банк кўмагида ташкил этилган ўқув курсларида дугоналарим билан бирга тикувчилик сирларини ўзлаштирдик. Энди бизга берилган дастгоҳлар ёрдамида қўшимча даромад топиш лойиҳасини тузаяпмиз.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тиббиёт ва замонавий технология

*Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон тиббиётининг онкология тизими, ушбу касалликнинг олдини олиш ва уни самарали даволашнинг замонавий усуллари" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.*

АНЖУМАН

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика Онкология илмий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бераётганини таъкидлашди. Соҳага жаҳон андозаларига мос тиббий ускуналарнинг жорий этилиши, эл саломатлиги йўлида қилинаётган хайрли ишларнинг тизимли йўлга қўйилганлиги муваффақиятлар омили бўлмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги "Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Масалан, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари онкологик диспансерлари янги биноларга кўчирилган бўлса, қолган вилоятларда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Фарғона, Жиззах ва Навоий вилоятларидаги онкология диспансерларида радиология бўлими ташкил этилди. Бу эса ушбу хасталик билан оғриган беморларнинг самарали даволанишида муайян қулайликлар яратди.

— Мазкур турдаги хасталиклар кўпинча белгисиз кечганлиги сабабли беморлар шифокорларга кечикиб мурожаат қиладилар. Ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида шифо масканларининг тажрибали мутахассислари иштирокида чекка қишлоқ ва маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, кенг жамоатчилик орасида тиббий текширувлар ўтказишни йўлга қўйганмиз, — дейди Республика онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов. — Ҳозир мамлакатимизда мавжуд ва мутлақ бепул бўлган ультратовуш текширишлари, компьютер томографияси, онкологик маркерларни аниқлаш, иммуногистохимик текшириш ҳамда бошқа замонавий усулларни кенг миқёсда қўллаш ташхислаш ва самарали даволаш натижаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, анжуманда онколог-шифокорларимизнинг халқаро миқёсда қўлга киритаётган ютуқлари, дунёнинг ривожланган мамлакатлари онкологлари билан ҳамкорлик самаралари ҳақида ҳам маълумот берилди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

ЭЪТИБОР

*Эртамиз эгаларини ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялаш, улар онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришда спортнинг аҳамияти беқиёс.*

# Спорт кийимлари топширилди

Шу боис ҳам мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спорт, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Жойларда бири-биридан кўркам спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари, стадионлар барпо этилиб, улар зарур анжомлар ва жиҳозлар билан таъминланмоқда. Мана шундай кенг имкониятлар оғушида улғаяётган ўғил-қизларимиз эндиликда қитъа, жаҳон ва Олимпиада ўйинларида ўз истеъдодларини намойиш этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботламоқдалар.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириб боришга қаратилган давлат сиёсати Самарқандда ҳам спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафининг кенгайишига туртки бераяпти. Масалан, шу кунларда 13 минг 570 нафар ўқувчи-қизга миллий ва замонавий дизайндаги спорт кийимлари совға сифатида топширилди.

— Спортнинг нафис ва гўзал тури — бадиий гимнастика билан шуғулланаман, — дейди Самарқанд шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби ўқувчиси Умида Муродова. — Бизга берилган либослар жудаям чиройли экан. Баъзи дугоналарим кўриб, "Мен ҳам сен билан бирга машғулотларга борсам бўладими?" дея ҳам ҳавас, ҳам қизиқиш билан сўрашди. "Албатта, бўлади", дея жавоб бердим. Орзуим кўп. Келажакда яхши ўқиб, спортда улкан ютуқларга эришмоқчиман.

Жомбой туманидаги 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган мазкур тадбирда, умуман, вилоятнинг барча жойларида ташкил этилган тантанали маросимларда ёшлар ана шундай эзгу мақсадларини билдиришди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МУНОСАБАТ

*Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилишга зарур шарт-шароитлар яратилган. Бунда соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтинги сезиларли даражада ошишини таъминлади. Хусусан, бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида Ўзбекистон 66 поғона кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади.*

# ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

## мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг пировард мақсади

Бу эътироф республикамизда ушбу соҳага қаратилаётган катта эътибор натижасидир. Бугунги кунда тизимда қабул қилинган қонун ҳужжатларига кўра, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, кредит олиш, хўжалик низоларини кўриб чиқиш, бизнесни тугатиш жараёни сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Мулкни рўйхатдан ўтказиш, ер участкаларини ажратиш, қурилишга рухсатномалар бериш, электр тармоқларига уланишда "бир дарча" тамойилини оммавий жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини фақат солиқ органлари текшириши, уларга нисбатан ҳар қандай ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланди. Ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари кескин қисқартирилиб, текширишлар сони тубдан камайтирилди. Барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи жорий қилинди, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун айбдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди.

Албатта, буларнинг барчаси юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг тараққий эттиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг юксак самарасидир. Президентимиз томонидан жорий йил апрель ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ва "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу Фармонга кўра, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароит ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида 15 га яқин норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда 20 дан ортиқ қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, унда барча вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан расмий веб-сайтларида тадбиркорлар билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солувчи ахборотларнинг доимий жойлаштириб борилиши белгиланди. 2014 йил 1 июндан ушбу органларнинг веб-сайтларида чоп этилмаган меъёрий ва бошқа ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўллаш тақиқланди.

Президентимизнинг 2011 йилдаги Фармони билан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда тақиқланган эди. Эндиликда мазкур ҳужжат билан ушбу мораторий 2017 йилнинг 1 январигача бўлган муддатгача узайтирилди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, солиқ, молиявий ҳисоботларни тақдим этмаган ва кўрсатилган манзилида бўлмаган тадбиркорларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш давлат солиқ хизмати органлари қарорлари билан амалга ошириларди. Эндиликда солиқ хизмати органлари томонидан ушбу чора фақат суднинг тегишли қарори асосидагина амалга оширилиши белгиланди.

Бундан ташқари, кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизматлари учун тўловлар ундирилиши бекор қилинди.

Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган айрим тармоқлари бўйича (қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатлари) кичик корхоналар ишчиларининг чекланган ўртача йиллик сони икки баравар оширилди.

Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ана шу саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми сифатида қабул қилинганини эътиборга молик. Унда ишбилармонлар учун лицензиялаш ҳамда рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни бериш механизмларини янада соддалаштириш ва арзонлаштириш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш мақсадлари кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адлия органларининг асосий вазифаларидан бири — айнан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Шу нуқтаи назардан айтганда, давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармон ва қарорининг ижросини таъминлаш вазирликнинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Ҳозир Фармонда белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш мақсадида тегишли ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, улар томонидан қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш, уларни қўллаш амалиёти, шунингдек, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, адлия органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилаётир.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан адлия органлари томонидан 456 та тақдимнома, 389 та огоҳнома киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 368 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 17 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Адлия органлари киритган таклифлар асосида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 48 нафар ҳуқуқбузар маъмурий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга 8 миллиард 167 миллион сўмдан ортиқ 357 та даъво аризаси киритилиб, ҳозир 2 миллиард 129 миллион сўмдан ортиқ 199 та даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилди, 685 та тадбиркорлик субъектининг фаолиятини қайтадан бошлашга амалий ёрдам кўрсатилди.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг юқорида қайд этилган Фармон ва қарори, албатта, тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлашда, асосий эътиборини фаолиятини ривожлантиришга қаратишда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, иқтисодиётимизда кичик бизнес улушининг янада ортишига хизмат қилади.

**Анвар УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари.**

# Янги препарат ихтиро қилинди

*Гулистон шаҳридаги "Камалак — ЛБ" хусусий корхонаси мутахассислари томонидан "Камакцид — ДШ" деб номланган янги ветеринария препарати яратилди.*

ТАШАББУС

Мазкур дори воситаси чорва моллар сақланадиган бинолар, иссиқхоналар ҳамда дон маҳсулотлари омборхоналарида зараркунанда ҳашаротларни йўқотишга мўлжалланган бўлиб, у тутантириқ сифатида қўлланилади ва натижада иншоотнинг барча жойини қамраб олади. Яна бир эътиборли жиҳати, препарат фойдаланиб бўлингач, ўзидан узоқ вақт ёқимсиз ҳид таратмайди.

Эътироф этиш керакки, "Камалак — ЛБ" хусусий корхонасида тайёрланаётган ветеринария дори-дармонлари юқори сифати билан хорижникидан асло қолишмайди. Шу боис ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган 8 турдаги препарат мамлакатимизнинг кўплаб вилоятларида самарали қўлланилмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИЗЛАНИШ

*Заминимиз — саховатли. Ер билан тиллашган деҳқонларимиз эса мириshkор. Шу боис бугун дастурхонимиз тўкин, турмушимиз файзли. Йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, бозорларимиз сархил меваю сабзавотларга тўла.*

*Буларнинг бари, аввало, юртимизда аграр сектор ривожи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қолаверса, соҳа вакиллари ҳисобланмиш фермерлар, олим ва мутахассислар, деҳқону чорвадорлар, боғбону соҳибкорлар ҳамкорлиги маҳсулидир. Энг муҳими, бу ҳамкорлик деҳқонларимизга аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш баробарида, уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.*



# ҲАМКОРЛИК ВА ИЛҒОР ТАЖРИБА

## қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил олишнинг муҳим омилидир

Дарҳақиқат, ҳар қандай экин ҳосили кўп жиҳатдан унинг нав ёки уруғига боғлиқ. Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяптики, натижада олимларимиз томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг кўплаб серҳосил, иқлимга мос ва касалликларга чидамли навлари яратилди. Бу борада Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти мутахассисларининг изланишлари, айниқса, эътиборга молик. Гап шундаки, мазкур институт жамоаси кейинги йилларда экинларнинг янги навларини яратиш, уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, касаллик ёки зараркунандаларга қарши курашиш бўйича бир қатор ютуқларга эришмоқда. Мазкур даргоҳда яратилган сабзавот, полиз ва картошка экинларининг 115 нави давлат реестрига киритилгани бунинг тасдиғидир.

— Масалан, кейинги йилларда мутахассисларимиз томонидан деҳқонларимизга очиқ майдонлар учун мўлжалланган "ТМК-22", "Ўзбекистон", "Тошкент тонги", "Баҳодир", "Шарқ юлдузи", "Истиқлол" сингари ўнлаб помидор навлари тақдим этилган бўлса, — дейди институт илмий ходими Миродил Ниёзов, — картошканинг "Тўйимли", "Диёра", "Умид", қовуннинг "Гурлан", "Амударё", "Зар Гулоби", ширин қалампирнинг "Наргиза", "Тонг", "Зумрад" каби навлари эса ўзининг таъми ва сифати билан алоҳида ажралиб туради. Айни пайтда жамоамиз сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги бўйича илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган усул ва қоидаларни ишлаб чиқаришга кенг қўллаш, элита уруғларни етказиб бериш, уларни иссиқхоналарда етиштириш технологияларини яратиш устида ҳам доимий изланишда. Бундан ташқари, институтимизда махсус ниҳолхона мавжуд. Унда дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келтирилган помидор навлари йиғилганки, бу олимларимизга улар устида турли тажрибалар ўтказиш, серҳосил навларни ўзимизнинг иқлимга мослаштириш каби тадқиқотларни олиб боришда айни муддао бўлмоқда.





Таъкидлаш жоизки, институт фаолиятини кенгайтириш, илмий изланишларни амалиётга татбиқ этиш ишларини жадаллаштиришда юртимизда ушбу соҳага қаратилаётган эътибор ва халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгани муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда институт олимлари, Халқаро сабзавотчилик маркази (АЦИРО, Тайвань), Халқаро картошкачилик маркази (CIP, Перу), Озарбайжон сабзавотчилик илмий тадқиқот институти, Қозоғистон картошкачилик ва сабзавотчилик илмий тадқиқот институти ҳамда бошқа хорижий илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, ўтган йили Корея Республикасининг "Koica" ташкилоти билан ҳамкорликда 240 минг туп кўчат етиштиришга мўлжалланган замонавий иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Агроном Нурилла Саъдуллаевнинг айтишича, ушбу иссиқхонада кўчатларни парваришлаш жараёнининг барчаси автоматлаштирилган тизим орқали амалга оширилади. Ҳарорат, намлик ва бошқа омиллар ҳам махсус ускуналар назоратида. Бу эса, пировардида, кўчатларни бехато ундиришда қўл келаяпти.

Айни чоғда институт таркибида Тошкент тажриба хўжалиги, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида таянч бўлимлари ҳам ишлаб турибди. Уларга қарашли 460 гектарлик суғориладиган майдонда эса сабзавот, полиз ва картошка сингари экинларнинг янги навлари синовдан ўтказилиб, амалиётга кенг жорий этилмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

# Жаҳон 24 соат ичида

*Жорий йилнинг мартида Буюк Британияда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми февраль ойидагига нисбатан 0,5 фоиз ўсди.*

## Тахмин қилинганидан юқори

Бу ҳақда мамлакат статистика бошқармаси хабар тарқатди. Эътиборлиси, мазкур кўрсаткич экспертларнинг тахминидан юқори. Чунки аввалроқ таҳлилчилар мартда 0,3 фоиз юксалиш бўлишини башорат қилишганди.

Умуман олганда, 2014 йилнинг биринчи чорагида Буюк Британияда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўртача 0,7 фоиз ўсган ва бундай юқори суръат 2010 йилдан бери кузатилмаётган эди.

## Музокара олиб бормоқда

*АҚШнинг "Apple" корпорацияси маҳаллий "Beats Electronics" компаниясини сотиб олиш юзасидан музокаралар олиб бормоқда, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

Харидор бунинг учун 3,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ тўлашга тайёрлигини билдирган.

"Beats Electronics"га 2006 йилда асос солинган бўлиб, у мусиқий интернет тармоғига эгалик қилади ҳамда қулоқчинлар ва аудиотехника воситалари ишлаб чиқаради.



Агар мазкур битим амалга ошса, бу "Apple"нинг энг йирик хариди бўлади.

## Битим амалга ошмади

*Франциянинг "Publicis" ва АҚШнинг "Omnicom" реклама компанияларининг бирлашиши амалга ошмайдиган бўлди.*

Ўтган йилнинг ёзида мазкур муассасалар музокаралар олиб бориб, 25 миллиард АҚШ доллари эвазига бирлашишга келишиб олганди. Аммо орадан тўққиз ой ўтиб, шартнома борасида уларнинг фикри бир жойдан чиқмади.

— Қоғозда ҳаммаси жойида, — дейди таҳлилчи Жон Фоли. — Чунки икки компания ҳам бир соҳада фаолият олиб боради. Агар улар бирлашса, харажатларни тежаш имкониятига эга бўлар эди. Аммо музокаралар чоғида янги ташкил этиладиган компанияга ким раҳбарлик қилиши, мижозлар билан қандай иш олиб борилиши каби ўта муҳим масалалар эътибордан четда қолган.

Бундан ташқари, бу ҳаракатлар мижозларга ҳам маъқул тушмаган. Натижада компаниялар ҳар бири ўтган ойда бир миллиард еврога тенг буюртмаларини бой берган. Чунки уларнинг кўплаб мижозлари бошқа реклама ташкилотларига ўтиб кетган.

## Нуқсони борлари қайтарилади

*"USA Today" нашрининг ёзишича, "Chrysler" автомобилсозлик компанияси дунё бўйича сотилган 780 минг дона машинасини қайтариб олади.*

Чунки мазкур автоуловларнинг электр тизимида нуқсон борлиги аниқланган. Яъни уларда тўсатдан ёнғин келиб чиқиш эҳтимоли мавжуд. Камчилик 2010 йилнинг 25 августидан 2013 йилнинг 31 октябригача бўлган оралиқда савдога чиқарилган "Dodge Caravan" ва "Chrysler Town & County" русумларида мавжудлиги айтилмоқда. Улардан 36 таси билан кўнгилсиз ҳолат юз берган.

Нуқсони бор машиналарнинг 645 мингтаси АҚШда, 108 мингтаси Канадада, 8 мингтаси Мексикада, 20,6 мингтаси бошқа давлатларда сотилган.

## Тошқин келтирган талафот

*Хитой жанубида юз берган сув тошқинлари оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди, 1,22 миллион нафар маҳаллий аҳоли вакили жабр кўрди.*



Табиий офат тинимсиз ёққан ёмғир туфайли келиб чиққан. Натижада Цзянси, Хунань, Гуандун, Гуйчжоу музофотлари ва Гуанси-Чжуан автоном районида 93,1 минг гектар экин майдони сув остида қолди. Қарийб 1,5 мингта туражой биноси вайрон бўлди, яна 9,2 мингтасига зарар етди.

Тошқинлар транспорт ҳаракатини ҳам издан чиқарди. Масалан, Гуандун музофотида 48 та парвоз бекор қилинган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, табиий офат мамлакат иқтисодиётига 151 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар етказган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 26 АПРЕЛДАН 2 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2014 йил 20 мартдаги 14, 25, 15-ққ, 08-05-04-сонли қарори.*

**2014 йил 28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2577 (2014 йил 5 майдан кучга кирди).**

2. «Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2014 йил 26 мартдаги 66-сонли буйруғи.*

**2014 йил 28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2578 (2014 йил 5 майдан кучга кирди).**

3. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 2014-17, 290-В-3-сонли қарори.*

**2014 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-3 (2014 йил 5 майдан кучга кирди).**

4. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 12/3-сонли қарори.*

**2014 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-8 (2014 йил 5 майдан кучга кирди).**

5. «Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 12/6-сонли қарори.*

**2014 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2546-1 (2014 йил 5 майдан кучга кирди).**

6. «Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2014 йил 25 апрелдаги 2014-19-сонли буйруғи.*

**2014 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-3 (2014 йил 5 майдан кучга кирди).**

7. «Ўзларига бериб қўйилган ер участкаларида фуқаролар фойдаланишларига рухсат этилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2014 йил 29 апрелдаги 103-сонли буйруғи.*

**2014 йил 2 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2579 (2014 йил 5 майдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом» *(рўйхат рақами 2064, 2010 йил 14 январь). Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 28 апрелдаги 106-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. «Наслчилик хўжаликлари мақомини бериш тартиби ҳамда улар фаолиятига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом» *(рўйхат рақами 1587, 2006 йил 23 июнь). Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 28 апрелдаги 107-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***Кучини йўқотган деб топилди ва ижродан чақириб олинди:***

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2009 йил 1 майдаги 221-сонли буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2011 йил 24 сентябрдаги 608-сонли буйруғи.

3. Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг 1991 йил 20 декабрдаги 413-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кинофильмларни прокатга бериш тўғрисидаги низом;

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг 1996 йил 16 январдаги 1.4-сонли Ҳайъат қарори билан тасдиқланган Нашрларни ва бошқа ҳужжатларни кутубхона жамғармаси хисобидан чиқариш, сақлаш ва кутубхона ходимларининг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги йўриқнома;

5. Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг 2000 йилдаги буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида археологик қидирувлар, қазишмалар олиб бориш ҳуқуқи ва топилмаларни сақлаш тўғрисида муваққат низом;

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг 2002 йил 29 апрелдаги 277-сонли буйруғи;

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг 2003 йил 21 ноябрдаги 755-сонли буйруғи;

8. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг 2004 йил 20 январдаги 36-сонли буйруғи;

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг 2004 йил 12 февралдаги 123-сонли буйруғи билан тасдиқланган Терма жамоалар ва уларнинг резервидаги спортчилар, тренер ва бошқа мутахассисларни таъминлаш бўйича моддий ва пул (молиявий) маблағларини тақсимлаш тўғрисидаги низом;

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг 2004 йил 23 мартдаги 232-сонли буйруғи;

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2005 йил 22 ноябрдаги 1071-сонли буйруғи билан тасдиқланган Спорт иншоотларининг паспорти ва сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги ва Спорт иншоотларининг таснифини аниқлаш бўйича йўриқнома;

12. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2006 йил 23 мартдаги 250-сонли буйруғи;

13. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2006 йил 28 июндаги 758-сонли буйруғи;

14. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2006 йил 27 ноябрдаги 1156-сонли буйруғи;

15. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2007 йил 3 майдаги 451-сонли буйруғи;

16. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2007 йил 16 июлдаги 754-сонли буйруғи;

17. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2007 йил 29 декабрдаги 1213-сонли қарори билан тасдиқланган Доимий равишда спорт билан шуғулланувчи болалар сонини белгилашнинг аниқ мезонлари тўғрисидаги низом;

18. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2008 йил 8 февралдаги 212-сонли буйруғи;

19. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2008 йил 14 майдаги 570-сонли буйруғи;

20. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2009 йил 16 ноябрдаги 1075-сонли буйруғи;

21. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2010 йил 31 декабрдаги 1105-сонли буйруғи;

22. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2010 йил 31 декабрдаги 1106-сонли буйруғи;

23. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2010 йил 31 декабрдаги 1107-сонли буйруғи;

24. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2011 йил 23 февралдаги 98-сонли буйруғи;

25. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2011 йил 4 мартдаги 124-сонли буйруғи;

26. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2011 йил 14 мартдаги 153-сонли буйруғи;

27. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2011 йил 26 апрелдаги 229-сонли буйруғи;

28. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2011 йил 18 майдаги 382-сонли буйруғи;

29. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2013 йил 3 декабрдаги 1261-сонли буйруғи;

30. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири томонидан 2014 йил 15 январда тасдиқланган 2-сонли йиғилиш баёни.

**Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонун ҳужжатларига зид ҳужжатлар сифатида кучини йўқотган деб топилди ва ижродан чақириб олинди.**

Ўзбекистан Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
Тиббиёт-санитария бирлашмасига
қарашли

**«Қибрай» клиник санаторийсига**

***қуйидаги мутахассислар ишга таклиф этилади:***

- Функционал диагностика кабинети шифокори — 1,0 ставка.
- УЗИ шифокори — 1,0 ставка.
- Жисмоний тарбия шифокори — 0,5 ставка.
- Шифокор-невролог — 0,5 ставка.
- Провизор (аптека) — 0,5 ставка.

**Мурожаат учун телефонлар:**

**(8-371) 286-02-00** — қабулхона,
**286-01-97** — директор ўринбосари,
**286-00-68** — кадрлар бўлими.

735Я/387

ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй,**
**Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

188А/93

*Наманган шаҳрида ўтказиладиган "Баркамол авлод — 2014" спорт мусобақаларига самарқандлик ёшлар ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда.*

# ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан маълум қилишларича, бу галги беллашувда 81 нафар ўғил-қиз спортнинг ўн беш тури бўйича совринли ўринлар учун кураш олиб боради.

— Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли ноёб тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинлари ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш ҳамда иқтидорли йигит-қизларни кашф этишда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси спорт ишлари бўйича масъул ходими Тўйчи Абдуллаев. — Уларда ўз маҳоратини намойиш этиб, ғолибликка эришган ёшлар кейинчалик халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани янада қувонарлидир.

Айнан шу жиҳатлар боис кейинги йилларда мазкур спорт ўйинларида иштирок этиш истагида бўлган ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Буни "Баркамол авлод — 2014"нинг вилоят миқёсидаги саралаш баҳсларида 145 минг нафар ўқувчи қатнашгани ҳам тасдиқлаб турибди. Муросасиз беллашувларда ҳар томонлама ўзини кўрсатган ёшлар мусобақанинг финал босқичида ўз имкониятини синаб кўриш бахтига муяссар бўлди. Улар орасида бир қатор мамлакат ва халқаро турнирлар ғолиблари — шахматчилар Шаҳноза Турсунова, Алихан Гусенов, енгил атлетикачилар Марина Гилюдина, Лилия Кочнева, Санжар Ниёзов, Султон Мустафоев, Ғолиб Зокиржонов, Фаррух Хайриддинов, Нодир Нуриллаев, боксчилар Мурод Омадов, Шаҳбоз Эрмаҳматов, Абдумалик Муҳаммадиев, Носир Рофиев каби истеъдодли ёшлар бор.

Мусобақаларга тайёргарлик вилоятдаги энг замонавий мажмуаларда олиб борилмоқда. Машғулотлар жараёнига малакали мураббий-мутахассислар жалб этилган.

— Бўлажак баҳсларга астойдил тайёргарлик кўраяпмиз, — дейди шахматчи Шаҳноза Турсунова. — Чунки унда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритишни мақсад қилганман. Қолаверса, мусобақа давомида янги дўстлар орттирамиз, Наманган шаҳридаги диққатга сазовор жойларни томоша қиламиз. Бу ҳаётимиздаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ФЕСТИВАЛЬ

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва хорижий ташкилотлар вакилларининг маданий анъаналар ҳамда миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.*

# Миллий таомлар намойиши

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини, жумладан, дипломатлар иштирокида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган турли спорт мусобақалари, маданий тадбирлар, фестиваллар ана шу мақсадга хизмат қилаётганини таъкидлашди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан бу гал ўн иккинчи бор уюштирилган маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивалида қирқдан ортиқ давлатнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари қатнашди.

Элчихоналар учун ажратилган бўлимлар олдига яқинлашган ҳар бир киши уларнинг миллий қадриятлари ва урф-одатлари билан танишиб, таомларидан татиб кўргандан сўнг ўзини худдики шу давлатга саёҳат қилгандек ҳис этади. Чунки кўрсатилаётган лутф, ранг-баранг суратлар, таомлар, умуман, бу ерда яратилган муҳит ана шундай тасаввур уйғотади.

— Халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамловчи бундай тадбирларда иштирок этиш, турли миллатларнинг урф-одат ва маданиятлари билан яқиндан танишиш кишига ўзгача завқ бағишлайди, — дейди Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Азиз ибн Ҳорун. — Фестивалда элчихонамиз гўшт, гуручдан тайёрланган бир қатор миллий таомларимизни, салатларни намойиш этди. Шу ўринда халқларимизнинг таомлар борасидаги айрим ўхшаш жиҳатларини ҳам айтиб ўтсам. Масалан, Малайзияда гуручни севиб истеъмол қилишади. Ўзбекистонда гуручдан пишириладиган палов миллий таомларнинг энг тансиғи ҳисобланади. У менга ҳам жуда ёқади. Умуман, ўзбек ошхонасида тайёрланадиган ноз-неъматлар ранг-баранглиги ва хуштаъмлиги билан ажралиб туради. Одамларингизнинг очиққўнгил, ширинсўз ва меҳмондўстлиги эса юксак эътирофга лойиқ. Мен шундай ажойиб юртда фаолият юритаётганимдан хурсандман.

Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, рақслар тадбирга янада файз бағишлади.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Болалар учун махсус пойабзаллар

*Бухоро шаҳридаги "Эркатой болажон" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган пойабзалларни фақат шифокорларнинг тегишли тавсияси ва йўлланмаси асосида харид қилиш мумкин.*

САЛОМАТЛИК

Чунки болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган бу турдаги маҳсулотлар ортопедик хусусиятга эга бўлиб, улар оёқларнинг тўғри ўсиши ва шаклланишини таъминлайди.

— Молия муассасасининг 18 миллион сўм миқдоридаги кредитини атиги тўрт ой ичида тўлаб, иқтисодий жиҳатдан барқарорликка эришдик, — дейди лойиҳа ташаббускори Фотима Зиядиллаева. — Ҳозир болалар ва ўсмирларга жами 19 турдаги махсус мавсумий пойабзаллар тайёрлаб бераяпмиз. Улар юз фоиз чармдан тикилгани боис енгил ва юриш учун қулай. Айни пайтда 16 нафар ишчимиз бор. Яна бир бизнес лойиҳани амалга ошириш ниятидамиз. Шу мақсадда Германиядан 250 миллион сўм эвазига ҳар қандай моделдаги қуймали таглик тайёрлаш имконини берувчи замонавий жиҳозлар харид қиламиз. Пировардида иш ўринларини кўпайтириб, аёллар ва эркаклар учун оёқ кийимлари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирамиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН •


# «ФАРОВОНЛИК»

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

AGROBANK

**«ФАРОВОНЛИК» — ОМАДИНГИЗ КАЛИТИДИР!**

**2014 йил 20 — 21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг.**




**БИЛЕТЛАРНИ НАҚД ПУЛДА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.**

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(8-371) 273-03-04.
www.agrobank.uz

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНИНГ НАРХИ — 5 000 СЎМ.

Лотерея билетларини банкнинг барча филиалларидан сотиб олишингиз мумкин. Пул ютуқлари филиалларда, маиший техникалар ҳудудий бошқармаларда, автомашина ва тракторлар марказий аппарат орқали билет тақдим этилгандан сўнг 1 ой давомида берилади.

**Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77 | Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-60 | Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48 |
| Андижон вилояти (8-374) 228-46-20 | Наманган вилояти (8-369) 223-19-32 | Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50 |
| Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53 | Навоий вилояти (8-436) 770-35-49 | Фарғона вилояти (8-373) 244-08-41 |
| Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33 | Самарқанд вилояти (8-366) 210-02-46 | Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00 |

Лотерея билетларини балоғатга етмаган шахсларга тарқатиш тақиқланади. Хизматлар лицензияланган.

704R/379



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**

**«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (8-595) 144-84-04, 170-84-04, (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (8-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй, | (8-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (8-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (8-595) 177-06-88 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к., 2-уй | (8-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (8-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй | (8-595) 400-03-79, 400-03-84 (8-373) 554-42-42, (соат 8.00 — 17.00) (8-373) 542-34-17, 542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (8-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) (8-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (8-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (8-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 300-03-41 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | (8-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Мирзаобод тумани | (8-595) 510-96-99, 510-10-09 (8-367) 227-16-20, (соат 8.00 — 17.00) (8-367) 235-00-44 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-17 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (8-595) 510-10-04 (8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй | (8-595) 510-10-27 (8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-41 (8-595) 510-64-27 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (8-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 (8-366) 442-68-05, (соат 8.00 — 17.00) (8-366) 442-68-15 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (8-595) 600-12-02, (8-598) 274-23-27 (8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (8-365) 223-38-37 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 600-60-15 |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (8-595) 601-14-96, 601-11-85 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 601-11-53, 601-12-29 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-86 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-84 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, Тулей стан-си | (8-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (8-595) 501-11-02, (8-376) 588-88-20 (8-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш.Темиров к., 4-уй | (8-376) 224-07-65, (8-595) 501-11-07 (8-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-595) 505-05-12, 505-02-62 (8-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **1-Линия техник цехи,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-17-25, (8-595) 505-05-23 |
| **2-Линия техник цехи,** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (8-375) 505-05-13, 505-05-41 (8-375) 552-11-67 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (8-595) 602-22-09, 602-22-18 (8-362) 226-36-58, (8-595) 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | (8-595) 603-07-38, (8-598) 278-07-01 (8-436) 224-74-21 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (8-593) 309-13-46 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (8-598) 278-74-22 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (8-595) 603-12-84 |

481R/95


Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шоқосим Исмонович Шоисломовга онаси

**Муҳаббат ШОИСЛОМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси ижтимоий-сиёсий адабиётлар таҳририяти мудири Алишер Саъдуллаевга турмуш ўртоғи

**Гулнора МАТЧОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Ипак ва йигириш кафедрасининг фахрий аъзоси Вазира Яминовага турмуш ўртоғи

**НИҒМАТЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 719 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5